

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021. Tag.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШПЎЛАТОВ БЕКЗОД ШУХРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИНИНГ ЙЎЛГА
ҚЎЙИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ (1917-2021 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Тошпулатов Бекзод Шухратович

Ўзбекистонда тиббий таълим соҳасининг йўлга қўйилиши ва
ривожлантирилиши (1917-2021 йй.)..... 3

Ташпулатов Бекзод Шухратович

Становление и развитие сферы медицинского образования в Узбекистане
(1917-2021 гг.)..... 25

Toshpulatov Bekzod Shukhratovich

Formation and development of the sphere of medical education in Uzbekistan
(1917-2021)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 51

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021. Таг.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШПЎЛАТОВ БЕКЗОД ШУХРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИНИНГ ЙЎЛГА
ҚЎЙИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ (1917-2021 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фаълари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Таг644 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муминова Гавхар Эсановна
тарих фанлари доктори

Расмий оponentлар:

Эргашева Юлдуз Алимовна
тарих фанлари доктори, профессор

Шадманова Санобар Базарбаевна
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2021. Таг.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "10" 12 соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17). (Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56. e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети 301 хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (99 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56. e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "18" 12 кун таркатида (2021 йил 18.12 даги 10 рақамли реестр баённомаси).



Б.Ж.Эшов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси
т.ф.д. профессор

Н.Н.Ражабова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.н.

Ю.А.Эргашева
Илмий даражалар берувчи
илмий Кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси
т.ф.д. профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда пандемия шароитида соғлиқни сақлаш соҳаси ҳар бир давлат сиёсатининг марказий йўналишларидан бирига айланди. Қолаверса, глобал иқлим ўзгариши, экологик вазиятнинг кескинлашуви соғлиқни сақлаш соҳаси муаммоларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) дунёда тарқалган янги эпидемияга қарши кураш ва аҳолини унга қарши эмлаш чора-тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Хусусан, бу жараёнларда тиббий кадрларнинг ўрни ниҳоятда бекиёсдир. Барча тарихий даврларда ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тадбирларини кучайтиришда тиббий кадрлар ҳал қилувчи бўлган вазифасини бажариб келган.

Дунёнинг етакчи давлатлари илмий-тадқиқот институтлари, марказлар ва олий таълим муассасаларида тиббиётнинг турли йўналишларини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар амалга ошириб келинмоқда. Муайян минтақада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш тадбирларини кучайтириш орқали соғлиқни сақлаш ишини яхшилаш, хавfli юқумли касалликларга қарши кураш ва уларни тугатиш, турли касалликларнинг оқибатларини ўрганиш, тиббий таълим модернизациялари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда оғир юқумли касаллик – корнавирусга қарши кураш олиб борилаётган бир шароитда тиббиёт масаласига жиддий эътибор қаратиш, аҳоли тиббий саводхонлигини кўтариш ва бу борадаги тарихий тажрибани тадқиқ қилиш долзарб масалалардан биридир. Пандемия шароитида юқумли касалликларга қарши курашнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бу тиббиёт кадрлари билан чамбарчас боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи исбот қилди. “Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, халқимизни тиббиёт тизими фаолиятидан рози қилиш – барчамизнинг энг муҳим вазифамиздир”¹. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз ўрнида тиббий кадрлар тизимида ҳам жиддий ўзгаришларга асос бўлмоқда. Бу соҳада Ўзбекистонда ўзига хос тарихий анъана ва тажриба шаклланган. Шу маънода Ўзбекистонда тиббий кадрлар тайёрлаш иши, хусусан, илк тиббиёт мактаблари ва тиббиёт институтлари, уларнинг очилиши билан боғлиқ тарихий жараён тарихчилар томонидан етарлича ўрганилмаган. Замонавий тиббий таълимни йўлга қўйиш ва жаҳоннинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш зарурияти ўз ўрнида соҳа тарихини янги методологик ёндашувлар ва бирламчи манбаларга асосланиб ёритишни талаб этади. Бу жараёнларни чуқур ўрганиш ва тиббий таълим ривожига хизмат қиладиган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги кунда энг устувор муаммолардан бири ҳисобланадики, бу ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги нутқи / Халқ сўзи. 2017 йил 13 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”²ги, 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида”³ги фармонлари, 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сон “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁵ги, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сон “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁶ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон тиббий таълим тарихига доир илмий адабиётларни ўрганиб, мавзу тарихшунослигини ишлаб чиқиш жараёни шуни кўрсатадики, таълимнинг ушбу йўналиши соғлиқни сақлаш ишида ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида тадқиқотчиларнинг диққат марказидаги мавзулардан бири бўлди. Мавзуга доир адабиётларни мазмуни ва даврийлигига қараб уч гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин. 1. *Совет даврида нашр этилган адабиётлар.* 2. *Мустақиллик даврида нашр этилган ишлар.* 3. *Хорижда чоп этилган адабиётлар.*

Совет даврида соғлиқни сақлаш соҳасини, хусусан, тиббий таълим соҳасини йўлга қўйишда муайян сиёсат олиб борилиб, амалга оширилган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳужжатлари тўплами. – №6 (766), 2017, 13 февраль.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/5411129>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сон “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/ru/docs/4931118>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори // Халқ сўзи, 2019 йил, 7 май. – №93 (7323). – Б. 1 – 2.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сон “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2020 йил, 27 март. – №64 (7566). – Б. 1-2.

турли илмий адабиётларда ўз аксини топиб борган⁷. 50-йилларда Ўзбекистон тиббий таълими муаммосини биринчилардан бўлиб С.А.Молчанов Тошкент тиббиёт институтининг 35 йиллигига бағишлаб яратган илмий ишида яхлит тарзда ўрганишга ҳаракат қилган.

Ўзбекистонда тиббий таълим соҳасига доир илмий нашрлар XX асрнинг 60-70-йиллардан бошлаб кучайганлиги кўзга ташланади⁸. Хусусан, М.Н.Ҳайитов, Ж.Н.Максумов, А.Б.Бакиев, Б.С.Агзамов, А.Ж.Джураев, А.А.Қодиров, У.А.Арипов, А.К.Зуфаров, У.Вахабова, Ю.А.Отабеков, О.С.Махмудов, Т.А.Даминов кабиларнинг асарлари айнан шу даврда нашр этилган бўлиб, уларда Ўзбекистонда тиббий таълимнинг йўлга қўйилиши билан боғлиқ тарихий жараёнлар очиқ берилган. Юқорида номлари кайд

⁷ Ивотин А.Е. Два года работы Государственного медицинского института // За социалистическое здравоохранение Узбекистана. – 1933. – № 1-2. – С. 83-84; Ташкентский медицинский институт XV. 1920-1935 (Под ред. Мардерштейн). – Ташкент, 1935; XX лет Ташкентского медицинского института им. В.М.Молотова. – Ташкент, 1939; Шабанов А.Н. К истории советской высшей медицинской школы // Советская медицина 1943. – №1; Ўша муаллиф, 25 лет советской высшей медицинской школы // XXV лет Советского здравоохранения / Под ред Г.А. Митерева М., 1944; Молчанов С.А. 35 лет Ташкентского государственного медицинского института им. В. М. Молотова. – Ташкент: Госиздат, УзССР, 1954; Ковригин М. Д. Охрана народного здоровья в СССР // В кн. Сорок лет Советское здравоохранение. К 40-летию Великой Октябрьской революции (1917–1957). – М., 1957; Грашенков Н.И. Медицинская наука и достижения советского здравоохранения // Советское здравоохранение. 1957. – № 10. – С. 14-19;

⁸ Ҳайитов М.Н. Самарқандскому медицинскому институту – 30 лет // Научные труды (Самарканд мед. инс.). – Т. 19, 1960. – С.5-11; Самаркандский государственный медицинский институт им. Академика И.П. Павлова. Гос. Издательство, УзССР, 1962; Максумов Ж.Н. Достижение медицинской науки в Узбекистане. – Ташкент: Медицина, 1964; Бакиев А.Б. К изучению истории и современного состояния подготовки врачей в Узбекистане // Сборник трудов института организации здравоохранения и истории медицины. Том I. – Ташкент, 1964; Ўша муаллиф. К истории подготовки врачебных кадров в Узбекистане за 40 лет // Материалы первой республиканской конференции молодых ученых-медиков. – Ташкент: Медицина, 1964; Агзамов Б.С., Бакиев А.Б. Из истории подготовки медицинских кадров в Узбекистане // Советское здравоохранение. 1965. – № 3. – С. 51-55; Джураев А. Дж. Ташкентский медицинский институт (1919-1964). – Ташкент: Медицина, 1966; Кадыров А. А., Дехто Л. Я. Здравоохранение Узбекской ССР. – Ташкент, 1967; Арипов У.А. Развитие медицинской науки в Узбекистане за 50 лет. – Ташкент: Медицина, 1968; Хусанов Х. Х., Хамидова А.М. Повышение квалификации врачей в Ташкентском институте усовершенствования врачей // Медицинский журнал Узбекистана. – 1968. – № 10. – С. 19-21; Абдураимов Ю. С. Материалы к изучению истории медицины Узбекистана // В кн. Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекистана. – Ташкент, 1968. – С. 59-65; 50 лет Ташкентскому государственному медицинскому институту. – Ташкент: Медицина, 1970; Зуфаров К.А. 50 лет Ташкентскому медицинскому институту // Медицинский журнал Узбекистана. – 1970. – № 9. – С. 112-118; Среднеазиатский медицинский педиатрический институт. Ташкент. Ташкент, 1974. – С.23; Кадыров А.А. Научная деятельность кафедр акушерства и гинекологии ТашМИ // Медицинский журнал Узбекистана. – 1980. – № 10. – С. 51-55; Тимофеева А.А., Валенкевич Л.Н. О подготовке педиатрических кадров в СССР // Педиатрия, 1980. – № 1. – С. 3-5; Кадыров А.А., Мадаханов Р.С. Первый медицинский институт Узбекистана // Советское здравоохранение. – 1980. – № 6. – С. 57-58; Кучаров А. Ташкентскому ордена Трудового Красного Знамени медицинскому институту 60 лет // Медицинский журнал Узбекистана. – 1980. – № 10. – С. 3-5; Лернер П.М. Блиннов В.А. Очерки развитие науки в Самаркандском государственном медицинском институте за 50 лет (1930-1980). – Ташкент: Медицина, 1980; Чикин С.Я., Исаков Ю.Ф., Чекнев Б.М. Здравоохранение и подготовка врачебных кадров в СССР. – М.: Медицина, 1980; Мирзамухамедов М.А. История кафедр детских болезней Ташкентского медицинского института // Медицинский журнал Узбекистана. – 1980. № 10. – С. 60-63; Вахабова У. Гордое имя-врач: Самаркандскому медицинскому институту – 50 лет / Правда Востока. 1980, 21 ноябрь; Отабеков Ю.А. Анджеканскому медицинскому институту им. М.И.Калинина – 25 лет // Медицинский журнал Узбекистана. – 1981. – № 2. – С.67-70; Нурмухамедов Р.М. Навстречу новому учебному году в вузах. Из Ташкентского ордена Трудового Красного Знамени медицинского института // Медицинский журнал Узбекистана. – 1981. – № 11. – С. 53-55; Ташкентский государственный институт усовершенствования врачей. – Ташкент: Медицина, 1982; Кадыров А.А., Аслидинов И.Ф. Развитие высшего медицинского образования в республиках Советского Востока // Советское здравоохранение, 1984. – № 3; Наманганское медицинское училище имени Э.И. Атаханова. – Ташкент: Медицина, 1988; Махмудов О.С., Даминов Т.А., Кадыров А.А. Состояние и перспективы развития педиатрии Узбекистана // Медицинский журнал Узбекистана. – 1989. – № 1. – С. 3-6;

этилган муаллифлар асарларида Тошкент, Самарқанд ва Андижон давлат тиббиёт институтларининг ташкил этилиши, тиббий кадрлар тайёрлаш соҳаси динамикаси, асосан, аниқ маълумотлар асосида таҳлил этилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўтган асрда совет тиббий таълим тизими тарихига доир диссертация ишлари ҳам ҳимоя қилинди. Ўзбекистон тиббий таълим соҳаси тарихига доир диссертация иши илк марта А.Б.Бакиев томонидан амалга оширилди⁹.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон тиббий таълими муаммолари тарих фанининг янги услубий тамойиллари асосида яратилганлиги билан эътиборни жалб этади. Бу даврда тиббий таълим соҳасига бир томонлама ёндашув услубидан воз кечилиб, умумбашарий кадриятлар нуқтаи назаридан илмий мақолалар ва монографиялар чоп этилди ҳамда диссертациялар ҳимоя қилинди¹⁰. М.Махмудов, Г.Э.Мўминова, Н.Ф.Расулов, П.Н.Рустамов, Р.М.Аҳмедов, Н.Наимов, М.М.Махмудова каби муаллифлар Ўзбекистон тиббий таълимининг турли тарихий даврлардаги ҳолатини бирламчи манбалар асосида тадқиқ этишди. М.Махмудов Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тиббий таълим соҳасини Тошкент тиббиёт академияси ва унинг филиаллари фаолияти мисолида тадқиқ этган бўлса, Г.Э.Мўминова республика жанубий вилоятлари мисолида ўрта тиббий таълим соҳасини таҳлил қилди. М.М.Махмудованинг изланишларида Ўзбекистонда терапия соҳаси кадрларини тайёрлаш жараёни ўз аксини топган.

⁹ Овчаров В. К. Развитие высшего медицинского образования в СССР и роль в нем 2 МГУ (1918-1930 г.г.). Автореф. дисс... канд. мед. наук. – М., 1955; Бакиев А. Б. История и современное подготовки враческих кадров в Узбекской ССР. Автореф. дисс. канд. мед. наук. – Фрунзе, 1968.

¹⁰ Рустамов П.Н. Нурли маскан. Қарши тиббиёт билим юрти тарихисини. – Қарши, 1996; Альманах Второго ТашГосМИ 1990-2000. – Тошкент, 2000; Махмудов М. Хоразмда шифокорлар тайёрлаш маркази. Қисқа тарихий очерк. – Тошкент, 2005; Расулов Н. Ф. История развития педиатрии в Узбекистане. Автореф. дисс... канд. мед. наук. – Тошкент, 2006; Самарқанд тиббиёти тарихи. I-II китоблар. Н.И. Хўжаев таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 171-178; Аҳмедов Р.М., Наимов Н. Бухоро тиббиёти тарихи. – Бухоро, 2009; Махмудов М. История медицины и здравоохранения Туркестана, Бухары и Хорезма (1865-1924 г.г.). – Тараз, 2015; Мўминова Г.Э. Ўзбекистонда олий тиббий таълим тизимининг йўлга қўйилиши //ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2011. – №4. – Б.228-231; Ўша муаллиф. Ўзбекистон жанубий вилоятларида ўрта тиббий хизмат ходимларини тайёрлаш муаммолари // Насафлик аломаларининг жаҳон маданиятида тутган ўрни. Республика илмий-назарий аниқланиш материаллари. – Қарши, ҚДУ, 2008. – Б.80-83; Ўша муаллиф. Из истории системы образования Туркестана (на примере медицинского образования) //Alma Mater (Вестник высшей школы). – Россия. – М., 2017. – № 1. – С.99-101; – № 4. – Б. 5-8; Мўминова Г.Э. Ўзбекистонда совет даврида соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917-1991 йиллар): Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018; Андижон давлат тиббиёт институти. Шонли тарих ва нурли истиқбол. – Андижон, 2015. – Б. 39; Тешаев О. Олий тиббий таълимда ўхув жараёнини ташкил этишнинг меъёрий ҳужжатлари ва уларнинг ижросини таъминлаш // Tibbiyotnoma, 2017 йил. 18 январь; Махмудова М. Ўзбекистонда олий тиббий таълимнинг ривожлантирилиши // “Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси”. – Тошкент, 2017; Туркестонда тиббиёт: анъана ва инновациялар (XIX аср охири – XX аср бошлари). Маъруз муҳаррири С.Б.Шадманова.–Тошкент: Akadempnashr, 2019; История здравоохранения Туркестанского края в архивных источниках (сборник архивных документов). – Тошкент: Akadempnashr, 2019; Джуманов С.А. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими асосий йўналишларининг ривожланиши тарихи (1991-2015 йй). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019; Каромов Г.Х. Туркестон АССР, БХСР ва ХХСРда соғлиқни сақлаш соҳасининг йўлга қўйилиши. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Бухоро, 2021; Махмудова М.М. Ўзбекистонда тиббиётнинг терапия йўналиши: ҳолати, ўзгаришлар ва муаммолар (1991-2015 йй). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021.

Совет тиббий таълимидаги муаммолар хориж муаллифларининг асарларида ҳам ўз аксини топди¹¹. Бу борада айниқса МДХ давлатларида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир¹². В.А.Маевская, Л.П.Чурилов, И.В.Зимин, С.М.Маргукова, А.В.Бодров, Р.Г.Иванова, О.Е.Кузнецов, И.А.Клеменова, А.А.Мордвинов каби муаллифлар Россия тиббий таълим муаммолари билан шуғулланган.

Мавзу тарихшунослигини ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистон тарихи тарихшунослигида тиббий таълим соҳаси тарихи масаласи махсус ўрганилган илмий ишлар ханузгача мавжуд эмас. Турли даврларда тиббиёт кадрларини тайёрлаш билан боғлиқ муаммолар ва соҳадаги ютуқлар масалалари тарихий нуқтан назардан илмий тадқиқ этилмаган. Ушбу фикр-мулоҳазалар Ўзбекистонда тиббий таълим тизими тарихи тарихшунослиги масаласи шу кунга қадар диссертация шаклида илмий тадқиқ этилмаганлигини кўрсатяптики, бу мавзунинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида баркамол ривожланган шахсни шакллантириш муаммоларини комплекс тадқиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда 1917-2021 йилларда тиббий таълим соҳасининг йўлга қўйилиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни очиб беришдан иборат.

¹¹ Chikin Sla, Isakov IuF, Cheknev BM. Health care and preparation of medical specialists. Moscow: Meditsina, 1980; Kryshropa BP. Higher medical education in the Ukrainian SSR. Kiev: Zdorov'ia, 1985; Burger EJ, Ziganshina L, Ziganshin AU. Academic medicine in Russia. Croat Med J. 2004; Kabanova SA, Lozhkevich IYu. The training of medical and scientific manpower in the system of postgraduate medical education. Probl Sotsialnoi Gig Zdravookhranenniiia Istor Med. 2010; Murphy J, Jargin S. International perspectives and initiatives. The state of medical libraries in the former Soviet Union. Health Info Libr J. 2010; Vasileva E.Yu, Massard G., Entsa O.V., Tomilova M.I., Mizgirev D.V., Akulinin V.A., Pottecher T., Schäfer T., Elia S. Education quality control standards at the medical university: a textbook. Arkhangel'sk: the Northern State Medical University Press, 2012; Jargin S. Some aspects of medical education in the former Soviet Union. Sao Paulo Med J. 2012; Jargin S.V. Some Aspects of Medical Education in Russia // American Journal of Medicine Studies, 2013; Christopher Markosian, Shant Shekherdimian, Samuel S. Badalian, Lorky Libaridian, Ani Jilozian, Aline Baghdassarian. Medical Education in the Former Soviet Union: Opportunities in Armenia // Ann Glob Health. 2020; 86(1): 99. Published online 2020 Aug 13. doi: 10.5334/agh.2960

¹² Маевская В. А., Чурилов Л. П. О медицинском образовании в России и зарубежом. Ч. 1-111 // Вестник МАПО. 2002. Т. 11. – № 4. – С. 2; Зимин И.В. Подготовка медицинских кадров в России (XIX – начало XX вв.) Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – СПб., 2004; Маргукова С.М. История медицины в современном образовании // Историко-биологические исследования. 2011. – № 1. – С. 78-89; Бодров А.В. Высшее медицинское образование в магистратуре // Практико-ориентированный подход в подготовке специалистов медицинского вуза: актуальные проблемы и пути их решения: сборник научных статей. Самара: Самарский государственный медицинский университет, 2018. – С. 51-54; Иванова Р.Г. Протоколы заседаний медицинского факультета Казанского университета (1814-1917 гг.) как исторический источник. Автореф. дисс...канд. ист. наук. – Казань. 2018; Кузнецов О.Е. Образовательная среда: становление и развитие личности / О.Е.Кузнецов, А.А.Кузнецова // Медицинское образование XXI века: практико-ориентированность и повышение качества подготовки специалистов. Сборник материалов Республиканской научно-практической конференции с международным участием. – Витебск: ВГМУ, 2018. – С. 48-50; Клеменова И.А. Мордвинов А.А. Становление высшего медицинского образования в Нижнем Новгороде // Знаменательные даты. ФГБОУ ВО “Приволжский исследовательский медицинский университет” Минздрава России. – Нижний Новгород, 2020

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда совет даврида илк тиббиёт мактаблари ва Туркистон Халқ университети таркибида тиббиёт факультетининг ташкил этилиши ҳамда уларнинг соғлиқни сақлаш ишини йўлга қўйишдаги ўрнини ёритиш;

совет даврида Ўзбекистонда ўрта махсус маълумотли тиббий ходимлар тайёрлаш жараёнини ўрганиш;

Ўзбекистонда олий тиббий таълимга оид давлат сиёсати ва Тошкент давлат тиббиёт институтининг(ТошМИ) очилиши ҳамда унинг тиббий кадрлар тайёрлаш тизимидаги ўрнини очиб бериш;

олий маълумотли шифокорларни тайёрлаш жараёнининг асосий йўналишларини Самарқанд давлат тиббиёт институти мисолида асослаш;

Андижон давлат тиббиёт институтининг ташкил этилиши ва унда мутахассисларни тайёрлаш жараёнини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистонда мустақиллик шароитида тиббий таълим тизимидаги ислохотларнинг боришини тавсифлаш;

ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимларини тайёрлаш муаммолари ва тиббиёт коллежлари фаолиятини таҳлил қилиш;

Тошкент тиббиёт академияси ҳамда унинг филиалларида ислохотларнинг боришини баён қилиш;

мустақиллик даврида тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари тармогининг кенгайтирилишини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1917-2021 йилларда Ўзбекистонда тиббий таълим тизимининг ҳолати, ундаги ўзгаришлар ва муаммолар тарихи олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда совет даврида илк тиббиёт мактаблари, олий тиббий таълимга оид давлат сиёсати, Тошкент, Самарқанд, Андижон давлат тиббиёт институтлари ва улардаги ўқув жараёни, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда профессор-ўқитувчилар таркиби, мустақиллик шароитида тиббий таълим тизимида ўтказилган кенг қамровли ислохотлар масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик тамойили, муаммовий-хронологик, қиёсий ва миқдорий таҳлил, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда 1917-1930 йилларда тиббий таълимнинг илк босқичи ва мустақил тиббиёт институтларининг барпо этилиши (1930-1972 йиллар), тиббий таълим тизимида илмий-тадқиқот ишларининг ривожланиши (1973-1991 йиллар), ихтисослаштирилган тиббий таълимнинг ривожланиши ҳамда хорижий давлатлар билан қўшма дастур асосида тиббий кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйилиши (1991-2021 йиллар) каби босқичларда шаклланилиши асосланган;

мустақилликкача Ўзбекистонда давлат тиббиёт институтлари, Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт институти очилганлиги ва йиллар давомида талабалар қабул квоталари ортиб, илмий-тадқиқот ишлари жонлантирилган бўлса-да,

даволаш муассасаларини малакали тиббий кадрлар билан таъминлаш жиддий муаммога айланганлиги вилоятлар кесимида аниқланган;

мустақиллик йилларида тиббий таълимни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати ва унинг натижалари асосида тиббиёт институтларида қабул квоталари, талабалар ва профессор-ўқитувчилар сонининг ортиши сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар контекстида аниқланган;

ўзини оқламаган экспериментлардан анъанавий таълим шакллари ҳисобига воз кечиш, таълим беришда таълим-тарбия жараёнини бир бутун ҳолда ўзаро уйғунлаштириш зарурияти далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда тиббиёт фани бўйича илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясидан мустақил бўлган Тиббиёт фанлари академияси ташкил этиш, тиббиёт институтлари ўқув режасига назарий фанларга нисбатан амалиётга кўпроқ соатлар ажратиш, тизимда ортиқча қоғозбозликдан воз кечиш ва рақамли бошқарув тизимини такомиллаштириш, тиббиёт йўналиши илмий-тадқиқот институтлари зиммасига вилоятларда фаолият кўрсатаётган ёш шифокорларни илм-фанга жалб этиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, тиббий таълим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларига жиддий ўзгартиришлар киритиш, бу соҳада етакчи бўлган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тиббий таълим тарихига оид архив ҳужжатлари, расмий ҳисоботлар ва даврий матбуот материалларини аниқлаш ва қиёсий таҳлил қилиш асосида Ўзбекистонда тиббиёт тарихини ўрганишнинг назарий-услубий жиҳатлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда кўйилган масалалар 1917-2021 йилларда Ўзбекистонда тиббий таълим тизимининг шаклланиши ва фаолиятига доир архив ҳужжатлари, жумладан, республика¹³, Андижон, Қашқадарё¹⁴ вилоятлари давлат архив фондларидаги ҳужжатлар, даврий матбуот материаллари¹⁵ асосида ёзилгани, тиббий таълим соҳаси мутахассислари орасида социологик тадқиқотлар¹⁶ ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

¹³ Ўзбекистон Миллий архиви: Р-7-фонд, Р-13-фонд, Р-17-фонд, Р-25-фонд, Р-34-фонд, Р-40-фонд, Р-368-фонд, Р-837-фонд, 2087-фонд. Ўзбекистон Республикаси Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви: 1-фонд; 57-фонд; 96-фонд; М-372-фонд.

¹⁴ Қашқадарё вилоят давлат архиви (Қашқадарё ВДА): 1-фонд; 17-фонд; 193-фонд; 474-фонд. Андижон вилояти давлат архиви (АВДА): 607-фонд; 650-фонд.

¹⁵ Халқ сўзи, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, Тиббиётнома, Правда Востока, Советское здравоохранения газеталари ва Медикер, Туркестанский медицинский журнал журналлари.

¹⁶ «Ўзбекистонда тиббий таълимнинг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши (1917-2021 йй.)» мавзуда сўровнома шаклидаги социологик тадқиқот ўтказилди. Унда иштирок этганларнинг 40 фоизини тиббиёт ходимлари, 60 фоизини ўқитувчилар ташкил этишди. Ёш таркиби бўйича эса, 50-80 (20 фоиз), 60-70 (5 фоиз) ёшдаги ходимлар иштирок этдилар. Тадқиқотда 20 та сўровнома тарқатилган бўлиб, шундан 15 таси яроқли деб топилган. Сўровномада мавзуга оид жами 10 та савол ўрин олган эди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон тиббий таълимининг ўтмишига доир тадқиқот усуллари ва тиббиёт тарихига оид маълумотларни бойитишга ҳамда ўрганишга оид назарий хулосалар ҳамда услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикада тиббий таълимнинг ҳолати, ўзгаришлари, муаммолари тарихийлик нуқтаи назаридан ҳолисона таҳлил қилинганлиги, хулоса ва таклифларидан тиббий таълим билан боғлиқ таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимига доир давлат дастурларини ишлаб чиқишда бевосита қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1917 – 2021 йилларда Ўзбекистонда тиббий таълим тарихига доир олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

1969 йилда Тошкент тиббиёт институтида ишлаб чиқилган субординатура ва интернатура бўйича врачлар тайёрлаш ўқув режасининг бутун Ўрта Осиёда амалиётга жорий этилиши тиббий кадрлар тайёрлашдаги муаммоларни бартараф этилишининг таъминлаганлиги, Ўзбекистонда совет давридаги ижтимоий вазият ва унинг соғлиқни сақлаш тизимига таъсири, тиббиёт институтларига квота ажратишда ҳудудлардаги санитария ва эпидемиологик шароитнинг ҳисобга олинмаганлиги, олий тиббий таълим тизимида рақобатнинг йўқлиги тиббиёт кадрлари мутахассислари сифатига салбий таъсир этганлиги, тиббий кадрлар танқислиги туфайли Республика кўплаб ижтимоий ва юқумли касалликларнинг ўчоғига айланганлиги тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалида 2021 йил 3 мартда эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasi “O‘zbekiston teleradiokanali” давлат унитар корхонасининг 2021 йил 11 мартдаги 02-40-312-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар телетомошабинларнинг Ўзбекистонда тиббий таълим муассасаларининг фаолияти тўғрисида янги илмий маълумотларга эга бўлишига хизмат қилади;

1991-2016 йилларда Ўзбекистонда тиббиёт институтларида талабалар ва профессор-ўқитувчилар сони динамикаси тиббиёт йўналиши олий таълим муассасалари кесимида тарихий даврларга бўлинган ҳолда аниқланиб, тиббиёт мутахассисларини тарбиялашга юзаки ёндашиш, ўқув режаларида мажбурий фанлар улушининг юқорилиги, ушбу йўналишда хусусий таълим шаклининг мавжуд эмаслиги каби самарасиз механизм кадрларнинг замон талабидан ортда қолишига сабаб бўлганлиги тўғрисидаги хулосаларидан Халқаро Амир Темур жамоат фонди Қашқадарё вилоят муассасасида бажарилган, И-56-10/37-рақамли “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” шиори остида ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган. (Халқаро Амир Темур жамоат фондининг 2021 йил 21 сентябрдаги 04-09-сон маълумотномаси) Илмий натижаларнинг

қўлланилиши ёшларга Ўзбекистонда тиббий таълим соҳаси ислохотлари, тиббий кадрларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги ўрнини асослаб бериш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 4 та, хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация матнининг тадқиқот қисми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Шунингдек, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда совет даврида илк тиббиёт мактабларининг очилиши ва тиббий таълим соҳасининг йўлга қўйилиши” деб номланган биринчи бобининг *биринчи параграфид*а ўлкада илк тиббиёт мактаблари ва Туркистон Халқ университети таркибида тиббиёт факультетининг ташкил этилиши ва уларнинг соғлиқни сақлаш ишини йўлга қўйишдаги ўрни масаласи очиб берилган.

Тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасининг йўлга қўйилиши аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш иши билан узвий боғлиқ жараён саналади. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши билан маълумотли тиббиёт ходимларини тайёрлаш, даволаш муассасаларини кадрлар билан таъминлаш ишига муайян даражада эътибор қаратилди. Шу вақтга қадар ўлкада таълимнинг бу тармоғи деярли мавжуд бўлмади, даволаш муассасаларида фаолият кўрсатган кам сонли тиббиёт ходимлари, асосан, Россия тиббиёт таълим муассасалари битирувчилари эди. Масалан, Туркистоннинг 8 млн.лик аҳолисига бор-йўғи 208 нафар врач, 82 нафар стоматолог, 102 нафар акушерка ва 120 нафар шафқат хамширалари хизмат кўрсатди¹⁷. Ушбу рақамлар тахлили ўлкада тиббий кадрлар муаммоси нафақат соғлиқни сақлаш соҳасининг, балки ижтимоий тизимининг энг жиддий муаммоси

¹⁷ Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-40-фонд, 1-рўйхат, 137-иш, 25-30 варақлар.

бўлганлигини кўрсатади. Хукумат тиббий кадрлар билан таъминлаш мақсадида тиббиёт йўналишидаги курслар ва мактаблар ташкил этишга ҳаракат қилди. Ҳар бир тиббиёт курсида йўналиш хусусиятидан келиб чиқиб, тингловчиларга билим берилди. Туркистон тиббиёт курсларида В.М.Дейч, П.А.Благовешенский, В.Э.Корчиц, А.Б.Герценшейн, Д.И.Веньяминов, В.И.Богданов-Березовский, В.Д.Вяткин каби ўқитувчилар фаолият кўрсатди¹⁸. Ушбу тиббиёт курслари кейинчалик тиббиёт мактаблари учун замин вазифасини бажарди. Шунингдек, йирик шаҳарларда фельдшер, ҳамшира, доялар, доришунослар тайёрлаш билан шуғулланувчи тиббиёт мактаблари очилди¹⁹.

Туркистон шаҳарларидаги тиббиёт мактаблари сони 1922 йили 13 тага етди ва уларда 536 нафар ўқувчи таълим-тарбия олди. Мактаб ўқувчиларининг фақат 10 фоизи маҳаллий миллатга мансуб эди²⁰. Таҳлиллар шундан далолат берадики, Туркистонда очилган тиббиёт мактаблари ўлка тиббий таълим соҳасининг илк дебочаси бўлди. Ушбу тиббиёт мактаблари, асосан, Европа тиббий таълим андозалари шаклида йўлга қўйилиши билан характерлидир.

Туркистонда шунингдек, бу даврда олий маълумотли тиббий кадрлар тайёрлаш жараёни ҳам бошлаб юборилди. Ўлкада олий таълим тизимини йўлга қўйиш борасида миллий зиёлилар ва илғор рус олимлари кўп йиллар ҳаракат олиб борди²¹. 1919 йил 15 августда Тошкент шаҳридаги “Буфф” кафеси биносида Олий тиббиёт мактаби ҳам ташкил этилиб, 1920 йил 24 ноябрда бу мактаб Туркистон Давлат университетининг тиббиёт факультетига айлантирилди²².

Энг қийин вазифа – тиббиёт факультетининг лабораториялари ва клиникаларини ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш билан боғлиқ бўлди. Туркистон Республикаси Халқ комиссарлари Кенгашининг қарорига биноан собиқ кадетлар корпуси ва Полтарацкий номидаги шифохона биноси барча мол-мулк билан тиббиёт факультети тасарруфидаги клиникага берилди²³. Шу тарика аста-секин тиббиёт факультети фаолияти учун шарт-шароит яратиб борилиб, ташкилий ишлар олиб борилди. Факультетда профессор илмий унвонлилар сони доцент илмий унвонидагилар сонидан кўп бўлди. Масалан, 1930 йил тиббиёт факультетида 23 нафар профессор, 15 нафар доцент фаолият кўрсатди²⁴. Бу эса ўз ўрнида таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатиб, ўқув машғулотларини юқори савияда ўтказилишига хизмат қилди. Тиббиёт факультетида 1921 йил 12 нафар, 1924 йил 131 нафар врач тайёрланди²⁵.

¹⁸ Ўз МА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 8-12-варақлар.

¹⁹ Ўз МА, Р-13-фонд, 1-рўйхат, 24-иш, 56-варақ.

²⁰ Ўз МА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 2484-иш, 124-варақ.

²¹ Лушин Б.В. Из истории создания системы высшего образования в Средней Азии // Общественные науки в Узбекистане. – 1977. – №9. – С. 27-38.

²² Народный университет. Очерки Туркестанского народного университета. – Ташкент, 1918. – С. 2-10.

²³ Тошпўлатов Б.Ш. XX асрда Туркистонда тиббиёт йўналиши таълим муассасаларининг йўлга қўйилиши // Ўтмишга назар. – Тошкент, 2020. – Махсус сон. – Б. 484-49.

²⁴ Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 1842-иш, 20-25 варақлар.

²⁵ Советское здравоохранения. 1984. – №3. – С. 51.

Биринчи бобнинг *иккинчи параграфид*а тиббиёт соҳасининг энг мухим йўналишларидан бири хисобланган ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш жараёни очиб берилган. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ўрта махсус тиббиёт ходимлари тайёрлайдиган қатор ўқув муассасалари ишлаб турди. Масалан, Самарқанд фелдшер-акушерлик мактаби 1925 йили тиббиёт техникумига айлантирилиб, алоҳида курслар ягона курс тизимига бирлаштирилди²⁶. Техникумда уч хил ихтисослик – акушерлик, доришунослик, оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи тиббий хамширлик бўйича мутахассислар тайёрланди.

Ўзбекистонда ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш билим юртлари сониди йиллар давомида ўсиш эмас, баъзи йилларда камайиш кўзга ташланади. Масалан, 1940 йили Ўзбекистонда 23 та, 1957 йил 14 та тиббиёт йўналишидаги ўрта махсус ўқув юртлари фаолият олиб борди²⁷. Тошкент шаҳрида тиббиёт билим юртлари ва уларда ўқувчилар сони вилоятларга нисбатан кўпроқ бўлди. Масалан, 1950 йил тиббиёт билим юртларига Тошкент шаҳри ва вилоятдан 694 нафар талаба, Андижонда 88 та талаба, Қашқадарёда 93 та талаба, Сурхондарёда 34 та талаба қабул қилинди²⁸.

Кейинги йиллардан тиббиёт йўналишидаги ўрта махсус таълим муассасалари ва уларда таълим олувчи ўқувчилар сонининг ўсишини кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон тиббиёт билим юртларида 1970-1971 ўқув йилида 22 минг нафар талаба таҳсил олган бўлса, 1989 йили улар сони 46 минг нафарга²⁹ яқинлашди. Умуман Республика тиббиёт билим юртларида ҳар йили 20 минг ўрта тиббиёт ходимлари тайёрлаб чиқарилди.

Хуллас, Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши тиббий кадрлар тайёрлаш ишига қандайдир маънода ижобий таъсир кўрсатди. Ўлканинг йирик шаҳарларида бирин-кетин тиббиёт мактаблари, техникумлари ва тиббиётнинг ҳар хил ихтисосликлари бўйича қисқа муддатли курслар очилди. Қолаверса, илк марта ўлкада олий маълумотли тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш иши йўлга қўйилди. Тиббиёт йўналишидаги билим юртлари ўрта махсус таълим тизимида мухим бўгин бўлиб, улар турли шаклларда, яъни тиббий курс, тиббиёт билим юрти, техникумлар шаклида фаолият кўрсатди.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда совет даврида олий тиббий таълим ва тиббиёт институтлари бўйича давлат сиёсати” деб номланган иккинчи бобнинг *биринчи параграфид*а Тошкент давлат тиббиёт институтининг (ТошМИ) очилиши ва унинг тиббий кадрлар тайёрлаш тизимидаги ўрни масаласи ёритиб берилди.

1931 йил 30 мартда Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ)нинг тиббиёт факультети Ўрта Осиё тиббиёт институтига айлантирилиб,³⁰ 1935 йилдан Тошкент давлат тиббиёт институти деб номланди³¹. Унинг таркибида даволаш

²⁶ Ўз ИТТХМА, 1-фонд, 3-рўйхат, 1387-иш, 1-2-варақлар.

²⁷ Здравоохранение в Узбекской ССР (Ст. сб.). – 1958. – С. 159.

²⁸ Здравоохранение Узбекистана в цифрах и документах. Ст сборник. – Ташкент, 1987. – С.136.

²⁹ Здравоохранение в Узбекской ССР (Справочные материалы для делегатов I съезда врачей Узбекистана). 1990. – С. 50.

³⁰ Ўз ИТТХМА, 1-фонд, 1-рўйхат, 285-иш, 1-варақ.

³¹ 50 лет Ташкентскому государственному институту. – Ташкент: Медицина, 1970. – С. 8.

профилактика, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, санитария-профилактика, стоматология факультетлари фаолият кўрсатди. 1931-1932 ўқув йилининг биринчи семестридан ўқув машғулоти ўзбек тилида олиб борилди³². Тошкент давлат тиббиёт институтида 1930 йили аспирантура бўлими ва 1946 йилда ординатура очилди³³.

Тиббиёт институтида 1931 йили 26 нафар профессор фаолият кўрсатган бўлса, 1949 йилга келиб, улар сони 40 нафар бўлди³⁴. Институтда фаолият кўрсатган 35 нафар фан докторларидан 2 нафари яъни А.А.Асқаров ва Н.И.Исмаиловлар Ўз ФА мухбир аъзоси эди. Институтга 1938 йили 581 нафар талаба қабул қилинган бўлса, 1949 йилга келиб бу рақам 2767 нафарни ташкил этди³⁵.

Тошкент давлат тиббиёт институти ўз фаолияти давомида Марказий Осиё тиббиётининг ривожига жуда катта роль ўйнади ва минтақанинг турли илмий-тадқиқот муассасалари ва тиббиёт йўналишидаги институтлардаги тадқиқотчилар учун таянч муассасага айланди³⁶.

Тошкент тиббиёт институти битирувчилари вилоятлар ва қисман республикалар даволаш муассасаларига тақсимланди. Масалан, Тошкент давлат тиббиёт институти 1942 йили 664 нафар мутахассис битириб, улардан 37 нафари Тошкент шаҳри, 33 нафари Тошкент вилояти, ТошМИнинг ординатурасига 22 нафар, ҚҚАССРга 14 нафар, Андижон ва Хоразм вилоятларига 12 нафардан, Самарканд ва Бухоро вилоятига 11 нафардан³⁷ тақсимланди.

Кейинги йиллар тиббий таълимга эътибор кучайтирилиб, тиббиёт институтида таълим олаётган талабалар сони ортиб борди. Масалан, 1960-1961 ўқув йилида Ўзбекистонда тиббиёт йўналишида 10,4 минг нафар талаба таҳсил олган бўлса, 1986-1987 ўқув йилида 26,0 нафарни ташкил этди³⁸.

1990 йил 23 майда Ўз ССР Министрлар Советининг Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтини очиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди³⁹. Тошкент давлат тиббиёт институти Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтига ажратилди.

Иккинчи бобнинг *иккинчи параграфида* Самарканд давлат тиббиёт институтида(СамМИ) олий маълумотли шифокорларни тайёрлаш жараёни хусусида фикр юритилади. Тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасида Самарканд давлат тиббиёт институти етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, Ўзбекистонда мустақил илк тиббиёт институти сифатида қайд этилган. Бу таълим муассасаси Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг 1930 йил 7 майдаги 80-сонли қарори асосида “Ўзбек давлат тиббиёт институти (ЎЗДМИ)” номи

³² Ўз ИТТХ МА, 1-фонд, 1-рўйхат, 202-иш, 193-варақ орақаси.

³³ 30 лет Ташкентского медицинского института имени Б.М. Молотова. – Ташкент, 1952. – С. 21-30.

³⁴ Ўз ИТТХ МА, 1-фонд, 1-рўйхат, 202-иш, 190-199-варақлар.

³⁵ Ўз МА, 837-фонд, 14-рўйхат, 608-иш, 133-варақ.

³⁶ Ўз ИТТХ МА, 1-фонд, 1-рўйхат, 202-иш, 195-варақ.

³⁷ Ўз МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 3709-иш, 66-72-варақ.

³⁸ Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. Юбилейный статистический ежегодник. – Ташкент, 1987. – С.264-265.

³⁹ Альманах второго ТашГосМПИ, 1990-2000 гг. – Ташкент, 2000. – Б. 3.

билан ташкил этилди⁴⁰. Самарканд давлат тиббиёт институтини ташкил этишда Ўзбекистон раҳбарлари А.Икромов ва Ф.Хўжаевларнинг хизмати катта бўлди. Институтни ташкил этишда А.А.Козарев, С.Ф.Татаренчик, Л.Н.Лапин, Б.Г.Туркевич, Г.Г.Абдуллаев, Г.М.Семенов, Л.Н.Парфентиэв, А.В.Поляков, А.Л.Канкров, В.В.Попов, Т.С.Мнатсаканов, К.Л.Дяков, Ф.И.Шевченко, А.В.Савелиев, К.А.Дюков, М.И.Габриэлян, Г.Н.Александровлар жонбозлик кўрсатди. Самарканд давлат тиббиёт институти талабалари контингентини Тошкент ва Фарғона шаҳарлари тиббиёт техникумлари битирувчилари ҳисобидан тўлдиришга ҳаракат қилинди. Биринчи ўқув йилида институтга 160 нафар талаба қабул қилинди. Талабаларга 3 нафар профессор, 4 нафар доцент ва 12 нафар ассистент ўқитувчи таълим-тарбия берди⁴¹. 1933 йили Ўзбек давлат тиббиёт институти Ўзбек давлат педагогика академияси асосида ташкил этилган Ўзбек давлат университетига (ҳозирги Самарканд давлат университети СамДУ) тиббиёт факультети сифатида қўшиб берилди. 1935 йилда яна мустақил Самарканд давлат тиббиёт институтига айлантирилди⁴².

Иккинчи жаҳон уруши йиллари тиббиёт институтлари жамоасидан 190 киши ҳаракатдаги армия сафларига кетди. 1941 йил декабрда оғир шаронт туфайли Самарканд давлат тиббиёт институти ёпилди. Аммо гарбдан кўчириб келтирилган тиббиёт институтлари ва академияси ҳисобига қайта очилди. Уруш даврида Самарканд давлат тиббиёт институти кафедралари, клиникалари, лаборатория ва аудиторияларининг бир қисми С.М.Киров номидаги Ленинград ҳарбий тиббиёт академиясига берилди. 1942 йили институтда 728 нафар, 1944 йили 1191 нафар талаба таҳсил олди⁴³.

Самарканд давлат тиббиёт институтига 1949 йили академик И.П.Павлов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан шу ном берилди. 1946 йилдан Самарканд давлат тиббиёт институти 6 йиллик ўқиш тизимига ўтди. 1961-1962 ўқув йилидан бошлаб эса тиббиёт институтида кечки бўлим, 1963 йили институтда иккинчи факультет – болаларни даволаш (педиатрия) факультети, 1970 йили эса тайёрлов бўлими, 1980 йили янги факультет врачлар малакасини ошириш факультети очилди⁴⁴.

Иккинчи бобнинг *учинчи параграфид*а Андижон ва бошқа давлат тиббиёт институтларининг ташкил этилиши ва унда тиббий мутахассислар тайёрлаш жараёнлари ҳақида сўз юритилади.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва тиббиётни ривожлантиришда Андижон давлат тиббиёт институтининг ҳам алоҳида ўрни бор. Андижон давлат тиббиёт институти СССР Министрлар Советининг 1955 йил 25 августдаги кўрсатмаси (6242 – р) ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 1955 йил

⁴⁰ Самаркандский Государственный медицинский институт имени академика И.П.Павлова (Краткий справочник). – Ташкент, 1962. – С. 4.

⁴¹ Кадыров А.А., Малаханов А.С. Первый медицинский институт Узбекистана // Советское здравоохранение, – 1980. – № 6. – С. 57-58.

⁴² Лернер П.М., Блинов В.А. Очерки развития науки в Самаркандском государственном медицинском институте за 50 лет (1930-1980). – Т.: Медицина, 1980. – Б. 340-341.

⁴³ Ўз ИТТХ МА, 1-жамгарма, 1-рўйхат, 3711-иш, 9-а варақ.

⁴⁴ Самарканд тиббиёт институти жорий архиви материаллари.

6 сентябрдаги 201 – м сонли буйруғига мувофиқ очилди⁴⁵. 1955 йил 15 октябрда тиббиёт институти биноси олдидаги майдонда таълим муассасасининг очилиши муносабати билан шаҳар микёсидаги митинги бўлиб ўтди⁴⁶. 1955-1956 ўқув йилида Андижон давлат тиббиёт институтида 9 та кафедра фаолият кўрсатди.

Андижон давлат тиббиёт институтининг биринчи раҳбари сифатида вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи У.А.Алимов кўрсатилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Андижон давлат тиббиёт институти учун 200 нафар талаба қабул квотасини тасдиқлади. Биринчи йили институтга кириш учун 1053 нафар абитуриент ариза топшириб, имтиҳон натижаларига кўра 256 нафари талабалikka қабул қилинди⁴⁷. Институтда профессорлардан Н.П.Соколов, М.С.Исаев, З.И.Обухов, Шамсутдинов каби ўқитувчилар талабаларга ўқув машғулотларни олиб борди. Институтда кўплаб фанлардан дарс машғулотлари ўқитувчилар етишмаслиги туфайли олиб борилмади. Кадрлар муаммоси кескин бўлиб қолди. 1959-1960 йили АндМИ да 8 нафар фан доктори, 34 нафар фан номзоди, 107 нафар ассистент ўқитувчи фаолият кўрсатди. 1961 йил институт кафедраларида 28 та вакант (бўш) ўринлар мавжуд эди⁴⁸.

Андижон давлат тиббиёт институтида ҳам аспирантура бўлими фаолият кўрсатди. Институт аспирантларини тайёрлашда Погорелко, Ю.Е.Березов, М.И.Петрушинский, И.К.Мусабаевларнинг роли катта бўлди⁴⁹. 1965 йили институтида 13 нафар аспирант таълим олиб, институтда мақсадли аспирантура, стажёр-тадқиқотчилик, клиник ординатура ҳам мавжуд эди⁵⁰.

1980-1981 ўқув йилида институтда 47 та кафедра фаолият кўрсатиб, уларда 525 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатди. Шу йили институтда жами 4538 нафар талаба бўлиб, уларнинг 3074 нафари даволаш, 1464 нафари педиатрия факультетида таҳсил олди⁵¹.

Хуллас, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган қатор тиббиёт институтлари совет даврида ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ўз тарихи бор. Айниқса, Тошкент ва Самарқанд давлат тиббиёт институтлари бу соҳада етакчилик қилиб, улар совет даврида турли тузилма характерида бўлиб, гоҳ факультет, гоҳ мустақил олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатди. Ҳар бир тиббиёт институти фаолияти давомида муайян минтақада соғлиқни сақлаш ва тиббиётнинг ривожланишига хизмат қилиши билан бирга, илм-фан марказига ҳам айланди.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тиббий таълим тизимидаги ислохотлар ва унинг натижалари” деб номланган учинчи бобининг *биринчи параграфида* мустақиллик йилларида ўрта маҳсус

⁴⁵ Андижон вилояти Давлат архиви (АВДА), 650-фонд, 1-руйхат, 10-иш, 4-варақ.

⁴⁶ АВДА, 650-фонд, 1-руйхат, 10-иш, 5-15-варақлар.

⁴⁷ АВДА, 650-фонд, 1-руйхат, 10-иш, 6-8-варақ.

⁴⁸ АВДА, 650-фонд, 1-руйхат, 160-иш, 95-варақ.

⁴⁹ АВДА, 650-фонд, 1-руйхат, 190-иш, 11-варақ.

⁵⁰ АВДА, 650-фонд, 1-руйхат, 289 (а)-иш, 17-варақ.

⁵¹ АВДА, 650-фонд, 1-руйхат, 578-иш, 18-26-варақлар.

маълумотли тиббиёт ходимларини тайёрлаш муаммолари ва тиббиёт коллежлари фаолияти хусусида фикр юритилади.

